



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (12.586)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Иқтисодиёт

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Яратилаётган имкониятлар натижасида юртимиз бозорлари ва дўконларининг пештахталари ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари билан тўлиб бораётди.

Ҳар бир хонадонда албатта, сут маҳсулотлари истеъмол қилинади. Зеро, қатиқ, қаймоқ, сметана, сарийғ, йогурт кабилар инсон организми учун жуда фойдалидир. Кейинги йилларда юртимизда ана шундай зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча ошди. Юртимиздаги корхоналар томонидан тайёрланаётган сут-қатиқ маҳсулотлари харидорлар талабини тўла қондирмоқда.

Худди шундай соҳадаги илгор корхоналардан бири Юнусобод туманида фаолият олиб бораётган «Milk fresh» масъулияти чекланган жамиятидир. 2009 йилда иш бошлаган мазкур жамиятда айни кунда сут маҳсулотларининг ўн турга яқини ишлаб чиқарилмоқда.

— Давлатимиз томонидан кичик бизнес субъектларига жуда катта эътибор қаратилиб, кўплаб имкониятлар яратилмоқда, — дейди «Milk fresh» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жаҳонгир Мирза-Аҳмедов. — Биз ҳам шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Корхонамизда сут ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, махсус идишларда қадоқланади. Маҳсулотларимиз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги остида шажримиздаги Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, шифоналарга, шунингдек, супермаркет ва озиқ-овқат дўконлари орқали аҳолига етказиб берилади. 2013 йилда ишларимиз сезиларли даражада ривожланди. Кредит олиб, автотранспорт воситаси ва янги қадоқлаш ускунасини харид қилдик. Натижада ишлаб чиқариш кўлами кенгайди, маҳсулотларимиз харидорларга ўз вақтида етказилмоқда.



Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг татбиқи этилиши тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиб боришига ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир этмоқда.

Мазкур корхонада бугунги кунда йигирма нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. 2009 йилда 580 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, якунига етган йилда бу кўрсаткич қарийб 3 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди. Шундан кўриниб турибдики ишлаб чиқариш кўлами йил сайин ўсиб бормоқда.

Жамият раҳбари Жаҳонгир Мирза-Аҳмедовнинг айтишича, келгусида банкдан кредит олиб, корхона фаолиятини янада кенгайтириш режалаштирилган. Яъни, тез орада пишлоқ ва қуйилтирилган ширин сут каби янги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилади.

Тадбиркорнинг режалаштирган ишлари амалга ошса, маҳсулот тури ва сифати ошади. Шунингдек, яна бир неча йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

Абдуллим САЛИМОВ
СУРАТЛАРДА: корхонада иш қизғин
Ислом Исмоилов олган суратлар

«ANTA NEWS» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК ИМКОНИАТЛАРИ ҲАҚИДА

Японияда чоп этиладиган «ANTA news» журнали сайёҳат ишқибозларининг сезимли наشرларидан бири ҳисобланади.

Яқинда Бутуняпония сайёҳлик агентлари уюшмаси (ANTA) муассислигида чоп этиладиган мазкур журнал саҳифаларида «Буюк Ипак йўли давридан буён Япония ва Ўзбекистонни боғлаб келган мустақам алоқалар» сарлавҳаси остида мақолалар босилиб чиқди.

Уларда Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Мақолалардан бири Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дипломатик ҳамда маданий-гуманитар муносабатларнинг тарихига бағишланган. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларнинг илдиэлари Буюк Ипак йўли равнақ толган даврга бориб тақалиши алоҳида таъкидланади. Мақолада Япониянинг Нара шаҳри мазкур йўлнинг шарқий дарвозаси, ўзбеклар заминининг Самарқанд шаҳри эса унинг марказий дарвозаси бўлгани қайд этилади. Шунингдек, бугун икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тарихий ва маънавий яқинликка асосланган стратегик шериклик салмоқли салоҳиятга эга эканлиги ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Қуёшли ўлкамизга бағишланган яна бир мақолада эса Ўзбекистон делегациясининг Бутуняпония сайёҳлик агентлари уюшмасига амалий ташрифининг тафсилотлари қаламга олинган. Унда япон замининда бўлиб ўтган учрашув чоғида ўзаро манфаатли шерикликни мустақамлаш масалалари атрофида муҳокама қилинган баробарида, Ўзбекистон томонининг сайёҳлик соҳасига доир сармоявий тақлифлари ҳам қўриб чиқилгани билдирилган.

«Бекиёс гузал табияти, ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киририлган кўпгина бебаҳо ва бетакрор тарихий обидалар Ўзбекистоннинг сайёҳлик жаҳҳасидаги истиқболли шерик сифатидаги ўрнини ҳамда аҳамиятини белгилаб беради», дея ёзилади «ANTA news»да.

Шунингдек, журнал ўз ўқувчиларини Ўзбекистонга боришга ҳозирланган япониялик сайёҳлар учун зарур бўлган барча муҳим маълумотлар билан ҳам таништиради. Юртимиз бўйлаб сайёҳатни амалга оширишнинг мавсумлари, виза олиш, валюта алмаштириш, меҳмонхоналар тармоғи тўғрисидаги ахборот шулар жумласидандир.

«Жаҳон» АА,
Токио



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилоятининг Жиззах тумани «Кўшбармоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, бандликка кўмаклашиш борасида фуқаролар йиғинлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Наманган вилоятининг Чуст тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман ҳокимлиги, прокуратура, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда ўттиздан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса икки юзга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада эллиқдан ортиқ фуқарога ўз лаёқатига мос ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

• Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги 4-болалар мусика ва санъат мактабида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодида бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

• Андижон вилоятининг Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасига «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида замонавий, юқори технология рақамли рентген аппарати топширилди. Японияда ишлаб чиқарилган, кенг имкониятларга эга рақамли рентген аппарати ва бошқа тиббий жиҳозлар туман аҳолиси, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу замонавий жиҳозларнинг муҳим жиҳати вақтни тежайди.

ЖАҲОНДА

• Кейинги бир неча кун давомида Италияда рўй берган сурункали ёғингарчилик туфайли келиб чиққан сув тошқинлари, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат иқтисодиётига 15 миллион евро микдорида зарар етказган. Ушбу табиий офатдан, айниқса, Рим шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар жиддий талафот кўрди.

• Қисқа туташув натижасида рўй берган авария боис Бразилияда 6 миллион киши бир неча соат давомида электр қувватисиз қолди.

• Eurostat маълумотларига кўра, Европанинг 76 фоиэ фуқароси коррупция Европа мамлакатлари ҳудудида кенг тарқалган деб ҳисоблайди. Ҳар йили коррупция Европа иқтисодиётига 120 миллиард евролик зарар келтиради. Греция, Италия, Хорватия, Испания ва Болгария коррупция рейтингининг етакчилари деб топилди.

• Бельгиянинг Гент шаҳри атрофида қутқарувчилар йўл-транспорт ҳодисасига учраган юк машинасидаги 6 мингта куёни қутқариб қолишга муваффақ бўлдилар.

• Хитойлик шифокорлар парранда гриппи янги штаммининг биринчи қурбони танасини текширганларидан сўнг, унинг қони ва сўлақларида грипп вирусининг кўпгина қисмларини топилди. Мурданинг ДНКси ва генлари тузилмаси ўрганилганидан сўнг маълум бўлдики, ушбу вирус ёввойи ва уй паррандаларида тез-тез учрайдиган, бироқ ҳозирга қадар одамларга ва бошқа сут эмизувчиларига ҳеч қачон юкмаган H10N8 тоифасига мансуб экан.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан шахсий фидойилик, меҳнатсеварлик ва ижтимоий масъуллиқ Ватанни тараққиётга элтувчи муҳим омиллардандир мавзусида маърифий тадбир ўтказилди.

Маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар, ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этган мазкур тадбирда маҳаллаларда ташкил этилган «Ораста ёшлар» ахборот-маслаҳат гуруҳларининг фаолияти сарҳисоб этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидаёқ ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Барпо этилаётган замонавий ўқув масканлари ёшларга пухта таълим бериш, уларнинг қизиқиши ва лаёқатига қараб мутахассислик сирларини эгаллашда муҳим аҳамият касб этса, тиббиёт, спорт-соғломлаштириш жаммуалари ёш авлодни жисмонан чиниқтириш, тиббий маданиятини юксалтириш, саломатлигини мустақамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятида навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш, айниқса, қизларнинг билим олишга қизиқиши ва иштиёқини ошириш, соғлиғи

ҳақида эътиборни кучайтириш масаласи алоҳида ўрин тутди. 2013 йилда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мазкур жамоат ташкилоти томонидан БМТнинг Аҳолишунослиқ жамғармаси кўмағида ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, пойтахти-

2014 йил — Соғлом бола йили

ОРАСТА, ФАОЛ, ФИДОЙИ ЁШЛАР

миздаги 11 маҳаллада «Ораста ёшлар» ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди. Уларнинг самарали фаолияти учун мебель ва компьютер жиҳозлари, зарур техник воситалар ажратилди.

Мазкур гуруҳлар томонидан «тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида ўқиш ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган йигит-қизлар учун семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Гуруҳлар томонидан маҳаллалар, ўқув даргоҳлари, ижодий марказларида ўтказилган турли лойиҳалар соғлом турмуш тарзи ғояларини кенг тарғиб этиш,

«оммавий маданият»нинг хатарли таъсири, ахборот хуружлари, одам савдосидан ҳимояланишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла, билим масканларининг озода ва обод бўлишига муносиб ҳисса қўиш, атроф-муҳит тозаллигига ёшларнинг эътиборини кучайтириш ва шу орқали йигит-қизларнинг оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ошириш «Ораста ёшлар» жамоат тузилмаси фаолиятининг доимий эътиборида бўлди. Бу борадаги эзгу чора-тадбирлар қизларни эрта турмушга узатиш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қўл уриш каби нохуш ҳолатларнинг сезиларли даражада қамайишига хизмат қилди.

Тадбирда «Ораста ёшлар» ахборот-маслаҳат гуруҳлари фаолиятининг саҳнавий лавҳалар, слайдлар ёрдамидаги тақдироти бўлиб ўтди. Соғлом бола йилида мазкур гуруҳларнинг маҳаллалардаги фаолиятини «Бир болага етти қўшни ота-она» тамойилига асосан олиб бориш, маҳалла ёшлари, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этиш, ўқув даргоҳлари, талабалар турар-жойлари озодлигини сақлаш, мактаб ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишга оид долзарб вазифалар белгиланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур та-

валлудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек тумани Кенга-

ши томонидан транспорт касбхона коллежида шахмат таътаси мусобақаси уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Алоқа тарихи музейида Инсон

ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази расмий веб-сайтининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимиз бўйлаб фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтди. Мазкур жараён натижалари юртимизда фуқаролар фаоллигининг ошиб бораётгани ҳамда демократик янгиланишлар самарадорлигининг яққол тасдиғидир.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон босқичма-босқич иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислохотларни амалга оширишга киришди. Олиб борилган кенг микдосли чора-тадбирлар бугун тараққиётнинг «Ўзбек модели» нечоғли тўғри ва ҳаётий эканлигини амалда намойён этиб, дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Зотан, бу модель давлат ва жамият ҳаётини тарихан шакланган миллий ўзига хослик ва илгор ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ислох қилишга йўналтирилган бўлиб, тарихий қадриятлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳанинг мавжуд ҳолати ҳамда анъаналар, турмуш тарзи асосида демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилган.

Маҳалла асрлар давомида шаклланиб, бизгача етиб келган фуқаролик жамиятининг ноёб институтларидан ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистонда маҳалла «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» бош тамойилини рўйбга чиқариш, инсон манфаатларига йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда кам таъминланган аҳоли қатламини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда муҳим омилга айланди. Истиқлолнинг илк йилларидан маҳаллани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари шакллантирила бошланди. Хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва уларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти мамлакатимиз Конституцияси билан қафолатланган. Бу ҳуқуқ шажаралар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари орқали рўйбга чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган 30 дан ортиқ вазифаларни бажариб келаётди. Хусусан, маҳаллада ёшлар орасида тарбиявий ишлар муваффақиятли олиб боришда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга маҳалла катта ҳисса қўшмоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, қонунийликни таъминлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ

худуднинг долзарб масалалари ҳал қилинапти. Шу билан бирга, маҳалла муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этаётди. Бугун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокисиз ҳал қилишни тасаввур этиш қийин.

Ўтган йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида, давр талабларидан келиб чиқиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги қонунлар янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижти-

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТКАЗИЛДИ

мой қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қонунчилик ташаббусининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида ўтган йили охирида тақомиллаштирилган янги нормалар асосида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниши ҳамда фаоллигини кўрсатиб, ўз оиласи, маҳалласи учун ўз масъулиятини, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлигини намоён этди. Маҳалла аҳолисининг ўзи томонидан ташкил қилинган ҳамда ўтказилган сайловлар бунинг яққол тасдиғи бўлди.

Оммавий ахборот воситаларида — матбуот ва интернетда сайловлар билан боғлиқ 1650 дан ортиқ материаллар чоп қилинди, 730 дан зиёд телекўрсатувлар, радиоларда 530 дан кўпроқ чиқишлар тайёрланди. Уларда Сенат аъзолари, етакчи олимлар, экспертлар ва мутахассислар қатнашди. Жойларда 1050 дан ортиқ семинарлар ўтказилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлади.

Сенат Кенгаши комиссияси томонидан сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёни бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан изчил ҳамкорликда тизимли мониторинг қилиб борилди. Муқобиллик ва ҳолислик аҳоли ўртасида обрў-эътиборга, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган муносиб номзодларни фуқаролар йиғинлари раислари сифатида сайлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Буни вакиллар йиғилишларида 32292 нафар номзод кўриб чиқилгани, улардан 9756 нафар (бир ўринга ўртача 3,3 нафар номзод) энг муносиблари сайлангани ҳам тасдиқлайди. 18 фойиз ҳолатда эса фуқаролар ёпиқ овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишди.

Янги сайланган раисларнинг 56,1 фойизи олий маълумотга эга. 1310 нафар (13,4 фойизи) аёл раисликка сайланди. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2006 йилда бу кўрсаткич 9,9 фойизи, 2008 йилда 11,5 фойизи, 2011 йилда эса 12,7 фойизи ташкил этган эди. Эътиборли жиҳати, айрим ҳудудларда сайланган раислар орасида хотин-қизлар улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичлардан ҳам юқорини ташкил қилди. Бу жамиятда аёллар фаоллиги изчил юксалиб бораётганидан далолатдир. Шу билан бир қаторда, раислар таркиби 46,6 фойизга янгиланди.

Шунингдек, 99618 нафар фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари сайланди. Уларнинг 44,6 фойизи олий маълумотга эга бўлса, 30,8 фойизини аёллар ташкил қилади.

Жамоатчилик вакилларининг сайлов жараёнларида кенг иштирок этиши ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирнинг ошқоралиги, муқобиллиги ҳамда тенг сайлов ҳуқуқини таъминлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган сайловлар янги шарт-шароитларда ўтказилди ва бу яратилган қонунчилик асослари мустаҳкамлигини кўрсатди. Буларнинг барчаси фуқароларга ташаббускорлик кўрсатишга, ягона мақсад атрофида жипслашишга ҳамда янада ривожланиш йўлида тўғри қадамни танлашга имконият яратди.

2014 йилнинг бошидан ўз ишени бажаришга киришган фуқаролар йиғинларининг янги таркиби ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, маҳалла аҳолиси турмуш даражасини оширишга салмоқли ҳиссасини қўшиб, Соғлом бола йили билан боғлиқ устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишига ишончимиз комил.

Светлана АРТИКОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг янги механизми жорий этилди.

Қарор ва ижро

ҚУЛАЙ, ТЕЖАМКОР, ИШОНЧЛИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тадбиркорлик субъектлари ва рўйхатдан ўтказиш органларини янги тизим имкониятлари билан таништириш мақсадида ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Ана шундай семинарлардан бири Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Статистика қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Солиқ қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Семинарнинг асосий мавзуси — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, рўйхатдан ўтказиш тартибининг электрон шаклга ўтказилишини таъминлашдан иборат.

Тадбирда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш бизнес билан шуғулланишнинг асосий шартларидан бири экани таъкидланди. Шу кунга қадар бу тартибнинг механизми бирмунча мураккаб эди. Шунинг учун уни соддалаштириш мақсадида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, 2014 йилнинг биринчи январидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга ошириляётди.

Семинар давомида янги тизим маҳаллий тадбиркорлар учун қатор имкониятлар яратиши таъкидланди. Хусусан, реал вақт режимида порталда келтирилган намунавий шакллар асосида таъсис ҳужжатларини расмийлаштириш, тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловининг идентификацион рақами ҳамда корхона ва ташкилотларнинг асосий қодини беришда айрим давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик механизмининг янада тақомиллаштириш имконини беради.

Бунда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг электрон шаклда берилиши кўзда тутилган. Бу эса хусусий тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш тартибини жиддий равишда енгиллаштиради, ваҳоланки, шу чоққача бунинг учун аризаچининг шахсан иштироки талаб этилар эди. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож тўловини ҳам интернет орқали амалга ошириш мумкинлиги, аynикса, диққатга сазовор.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА 2014 ЙИЛ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил № 7, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фойизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фойизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фойизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фойизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ж.Ахунжанов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Учтепа тумани ҳокимининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 371 сонли қарори бекор қилинганлиги инобатга олинсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириди.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Элтоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими
А.Рустамов

2014 йил 16 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Коммунал хизмат: бурч ва масъулият



ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП...

Дарҳақиқат, ҳалқимизда қиш тайёргарлиқни ёқтиради, деган ҳикмат бор. Зеро, қиш мавсумини муаммоларсиз ўтказиш учун унга тайёргарлик ишларини баҳор, ёз ойлариданоқ бошлаш ўз самарасини беради ва бу кўп йиллар давомида синовдан ўтган амалиётдир.

Албатта, ҳар доимгидек бу гал ҳам шаҳар коммунал хўжалиги тизими, ободонлаштириш бошқармаси томонидан қиш мавсумини камчиликларсиз ўтказиш борасида олдиндан тайёргарлик қилириб, барча зарур техника воситаларининг шай ҳолатга келтирилганлиги боис январь ойининг охири — февраль бошларида шаҳримизда ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши ва қалин қор ёғиши туфайли ноқулайликлар келиб чиқишининг олди олинди. Барча туманларда ободонлаштириш бошқармаси ходимлари кўча ва майдонларни қордан тозалаш ишларини тўхтовсиз бажармоқдалар. Қор қурайдиган техникалар ёрдамида серкатнов автомобил йўллари тозалаш турилибди.

Фақат ўтган бир кунлик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, шаҳар Ободонлаштириш бошқармасидан хабар қилишларича, шаҳар Марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш иктисослаштирилган бошқармаси, Марказий майдонларни ободонлаштириш иктисослаштирилган бошқармаси, шунингдек, барча ўн битта туман ободонлаштириш бошқармалари томонидан жами 406 та замонавий тех-

ника воситалари тозалаш ишларига жалб этилган. Бунда туманлар ободонлаштириш бошқармаларига «Махсустрас» корхоналаридан 56 та техниканинг ажратилганлиги ҳам қордан тозалаш ишларида жуда асқотди. Шунингдек, барча туманлар ободонлаштириш бошқармалари, ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлашга иктисослаштирилган бошқармаси ҳамда шаҳар суний иншоотлардан фойдаланиш, уларни сақлаш, таъмирлашга иктисослаштирилган бошқармаси ишчи-хизматчилари кўчаларда йўлларнинг ҳаракатланиш қисмида ва йўлакларни қордан тозалаш ишларида фаол иштирок этишяпти. Шу кунларда бу ишлар давом этмоқда.

Шу билан бирга, шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бirlашмаси тизимидаги корхоналар томонидан аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, электр қувватида узилтирилган бўлмаслигига жиддий эътибор қаратилмоқда, аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунириш ишлари олиб боришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туман ва шаҳар ҳокимликлари,

корхона, ташкилот ва муассасаларда пухта ўйланиб доимий навбатчиликларнинг ташкил этилганлиги юзга келаётган муаммоларнинг тез ва соз бартараф этилишида ўз самарасини бермоқда.

Ҳамжиҳатликда гап кўп, деган нақл замирида жуда катта маъно муҳассас. Зеро, бундай ишларни фақат коммунал ёки ободонлаштириш соҳалари ходимлари бажариши лозим, дея қўл қовуштириб ўтирмасдан маҳаллаларимиз кўчалари, дўконлар, тадбиркорлик нукталари атрофини тозалаш ишларига ўз ҳиссамизни қўшсак, йўлларда болалар, кексаларимизнинг ҳаракатланиши осонлашади, қолаверса, баъзи чиқиндилар қор тағида қолиб кетмайди, йўллар тозаллиги таъминланади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Агарда бу борада бирор-бир камчилик ёки муаммо юзга келадиган бўлса, коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055 телефон рақами кўнгирок қилсангиз барча муаммо, юзга келган носозликлар ва авария ҳолатлари тезда бартараф этилади.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА ИНСОНИЙЛИК

Инсоннинг табииати, инсонийликнинг моҳияти, инсон ҳоли ҳолатининг қатламларини теран тафаккур ёрдамида чуқур тадқиқ қилиш, шоирона ифода этиш Алишер Навоий ижодининг асосий хусусияти ҳисобланади.



Алишер Навоийнинг бу борадаги фикрлари бошқа мутафаккирлардан ажралиб туради. «Хайрат ул-абсор»нинг биринчи қисмида улуғ шоир инсон хилқати ва унинг моҳияти ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, айтадики:

**Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.**

Инсоннинг ҳулқ-атвори, руҳий олами тадқиқига бағишланган адабиётларга кўра, одамзотда 128 яхши хислат ҳамда 76 ёмон ҳулқ мавжуд. Навоий шунча хислат ичида инсонийликнинг биринчи шарт сифатида сабрни қайд этади. Одатда, сабр деганда, мушкул вазиятларда бардошли бўлиш тушунилади. Аммо сабрнинг маъно қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, нафс қўқусига ўчмаслик, яхши ҳоллар шукронаси, ёмонликлардан изтироб чекмаслик ва умидсизланмаслик унинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Ҳаётда фаолиятсизлик, қадр-қиммат ва ҳақ-ҳуқуқлар оёқости қилинишига лоқайд қараш, қўқув ва журъатсизлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Сабр — мутелик ва қарамликнинг бир кўриниши эмас. Сабр — муайян воқеа-ҳодиса натижасида бир-бири билан ихтилофда бўлган туйғу ва кечинмалардан юзага келадиган инсоний фазилат. Бир умр ҳақиқат йўлида курашган Алишер Навоий ҳам бу йўлнинг машаққатлари, эзгу мақсад-муддосларга эришишнинг қийинчиликлари, нафс деган ашаддий душмани бор кўнгил ҳамма вақт ҳам бу қийинчиликларга бардош беролмай маҳзун бўлиши ва ҳатто айрим ҳолларда ирода заифлик қилиб, виждонга хилоф иш тутиш ҳолатларига ҳам дуч келган. Шоир ҳар қандай ҳолатда эзгулик йўлидан кечинмаслик, шу орқали сабр — кўнгилнинг изтироб ва умидсизликдан холи бўлиши, мақсадга етиш йўлида ҳар қандай мусибат ва кулфатларга бардош бериши, охир-оқибат, бахт ва шодликка эришиш лозимлиги, бу йўл оғир бўлганига қарамасдан, эзгулик ва саодат йўли эканини ўз ғазалларида ифода этган.

Инсонийликнинг иккинчи шарт — ҳар инсон қалбда шукроналик туйғусининг устувор бўлишидир. Навоий башариёт тараққиёти учун шукроналик туйғуси нечоғли аҳамият касб этишини «теран» аниқлаган эотлардан эди: «Унинг талқини, тинчлик, офият, саломатлик, барқарорлик каби бебаҳо неъматларнинг қадрига етмаслик жамиятда носоғлом муҳитни вужудга келтириб, ривожланиш ва тараққиётга ҳавф солади. Шукроналик туйғуси барқарор бўлган жамият ҳам моддий фаровонлик, ҳам маънавий тараққиёт марраларини забт эта олади.

Инсонга инсонийлик макomini эслатиб турувчи яна бир муҳим хислат — бу, ҳаё туйғусидир. Алишер Навоий ушбу ахлоқий қадриятни қомиллик белгиси, номус тимсоли, вафо ва имон билан муштарак туйғу сифатида баланд пардаларда қуйлаган. Жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ўқиймиз: «Хар кўнгулниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур... Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Хар кимда бу икки йўқ — имон йўқ. Қомиллар — аҳли вафо ва ноқислар — беҳаё». Навоийнинг ҳаё тушунчасига берган таърифира диққат билан разм солсак, ҳаёилик кишининг маънавиятли, имон-

этиқодли, тўғрисиёз ва вафоли эканини англатади, ҳаёсизлик эса бунинг акси ўлароқ нопоқликка мойиллик, субутсизлик, бағритошликни ифодалайди. Агар сабр ва шукр туйғуларини асосан инсоннинг ташқи оламга бўлган муносабатларини тартибга соладиган бўлса, ҳаё — инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар нуқтаи назаридан баҳолаши билан боғлиқдир.

Алишер Навоий талқини, олам бўстони мавжудлигининг асосий сабаби ҳамда бу бўстоннинг «гули мақсуд»и инсондир:

**Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга.**

Шундай экан, ҳар бир инсон ёмон хислатлардан покляниб, сабр, шукр ва ҳаё каби ўзгал фазилатлар билан бе-занмоғи, кўнгилни барча ўткинчи ҳою-ҳаваслардан тозалаб, қомилларга хос бўлган тўғри сўз, эзгу амал ва ният билан яшамоғи зарур. Навоий ғазалларида инсонийлик макomi ҳақида мулоҳаза юритилиши ҳам одамларни ана шундай олий мақсад сари қорлашининг ўзига хос воситасидир.

Улуғ шоир китъаларидан бирида қомил инсон ҳақида мулоҳаза юритиб, чин инсон бўлишнинг асосий шартларидан бири сифатида тавозени келтиради. Тавозе — ҳоксорлик, адаб демак. Навоий фикрича, тавозели бўлмоқ инсонни ўз моҳиятини англашга бошлайди, унга шараф, руҳий хотиржамлик ва соқилик келтиради, кичикларни ёши улуғлар орасида ҳурмат қозонишга замин яратади, катта ёшли кишиларга улугворлик бахш этади. Мумтоз адабиётимизда ҳоксорлик кўпинча дарвешлар ҳулқ-атвори сифатида талқин қилинади. Навоий китъасида бу хислат бой-бадавлат кишиларда бўлса нур устига нур бўлиши таъкидланади:

**Тавозўй яхши, аммо яхшироқдир
Агар дэб этса они аҳли давлат.**

Бойликни маънавий қамолотга қарши қўйиб, йўқсилликни тарғиб этиб келган собиқ шўро мафқураси одамларда моддий фаровонликдан нафратланиш, аксинча, камбағалликни фазилат, деб билиш тушунчасини пайдо қилган эди. Кўҳна Шарқ мутафаккирлари бойлик ва дунёпарастлик ўртасига фарқ қўйган. Дунё, бойлик микдори билан эмас, балки Ҳақ йўлдан қалғитиш-қалғитмаслиги билан яхши ёки ёмон сифат касб қилиши мумкин. Инсон замирида бойлик туфайли туғилмаган энг хавфли касаллик — бу такаббурликдир. Мол-дунёси қўпчилиги пеш қилиб, оёғи ердан узилганлар ҳамма замонда ҳам қўлаб топилиши шубҳасиз. Аммо бойлик — инсонийликнинг мақсади эмас, балки мақсадга эришиш учун бир восита эканлигини унутмаган ва тавозели бўлишни одат қилган бадавлат кишилар ҳоксор камбағалдан мартабаси ортироқдир.

Навоий талқинида инсонийликнинг яна бир шарт — бу, ато, яъни саховатдир. Саховат ҳамиша мардликнинг энг олий кўриниши сифатида қадрланган. Навоий саховатни бундай таърифлайди:

**Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йўқдур анинг ёнида миннат.**

Кўҳна Шарқнинг қомиллик мактаблари бизнинг тафаккуримизга ҳар лаҳза чархлаб тургувчи эзгу ғоя ва тушунчаларга эга. Алишер Навоийнинг инсоний қомиллик мартабаси ва шартлари ҳақидаги қарашларининг ўзи ҳар бир киши учун улуг мактабдир.

**Олимжон ДАВЛАТОВ,
адабиётшунос
(ЎзА)**

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасида таълим олишларига муҳим эътибор қаратилмоқда. Юртимиздаги мавжуд ўқув-муассасаларда яратилаётган шарт-шароитлар фикримиз исботидир.

Таълим

ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШИБ

Миробод енгил саноат касб-хуна қоллежида ҳам ўқувчиларнинг ўз билимларини ошириб, муайян касб-хуна ўрганишлари борасида барча имкониятлар яратилган.

1974 йили ўз фаолиятини бошлаган, 2004 йилнинг 24 февралидан Миробод енгил саноат касб-хуна қоллежига айлантирилган ушбу ўқув муассасасида «Кенг ассортиментдаги кийимларнинг модельер-конструктори», «Тикув ва тикув-трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш техник-технологии» ва «Бухгалтерия хисоби ва аудит» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Ёшларимизнинг билимли, хуна қоллежидан ҳам ўқувчиларнинг ўз билимларини ошириб, муайян касб-хуна ўрганишлари борасида барча имкониятлар яратилган, — дейди Миробод енгил саноат касб-хуна қоллежи директори ўринбосари Ижобат Орифхўжаева. — Ҳар бир ўқувчини ўз қизиқишига қараб турли тўғаракларга бириктириб қўйганмиз. Асосий мақсадимиз, ёшларни Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш, келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб қолмоғи етишишда ҳамда амалий ва назарий билимларини мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам беришдир.

Шунингдек, қоллеж ўқувчиларининг маънавий олами янада бойитиш борасида турли хил маърифий-маданий, сиёсий ва ҳуқуқий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинади.

Таълим муассасасида 2009 йилда реконструкция ишлари якунланиб, компьютер, физика, кимё-биология, лаборатория хоналари, 4 та тикувчиликка мослаштирилган устаконалар ва спорт залининг керакли анжумлар билан жиҳозлангани ҳам ўқув жараёни янада замонавийлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

2012-2013 ўқув йилида Миробод енгил саноат касб-хуна қоллежининг тўққиз нафар битирувчиси ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кирганлиги ҳам бундан далолат беради. 2013-2014 ўқув йилида барча соҳалар бўйича қоллежда 535 нафар ўқувчи тахсил олмоқда.

Ўқув муассасаси ёш, малакали мутахассисларни етказиб берган ҳолда мамлакатимиз енгил саноати ривожига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда.

Зафар НАЗАРОВ

Тадбирлар

ЁШЛАР — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Айни кунда глобал муаммо саналган гиёҳвандлик, ОИТС, одам савдоси, диний экстремизм ва терроризм каби иллатларга қарши курашиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкент Фармацевтика институтидан ўтказилган тадбир ҳам «Огоҳлик — давр талаби» деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси, Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси мутасадди ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда институт талаба-ёшлари ва академик лицей ўқувчиларига қўридаги каби салбий иллатлар, гаразли гоғлар, уларнинг аянчи оқибатлари ва қандай ҳимоялиниш тўғрисида атрафли маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот қотиби Улуғбек Туймабоевнинг таъкидлашича, шундай тадбирларнинг ўтказилиши талабалар ва ўқувчи-ёшларнинг ўзига хос сабоқ олиши турли иллат ва бузғунчи гоғларнинг келиб чиқишида «оммавий маданият»нинг ўрни катталиги, бугунги кундаги тинчлик ва хотиржамликка таҳдид солаётган одам савдоси, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш долзарб масала эканлигини англаб етишларида муҳим ўрин тутди.

— Ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва руҳан тетик бўлишларида ёшларидан ота-она, маҳалла, мактаб, лицей ёки қоллеж, институт ёки университетда, доимо эътибор ва назоратда бўлишлари, бўш вақтларини самарали ўтказишлари, турли бекорчи ишларга қалғимасликлари, шунингдек, ҳар хил гуруҳ ёки оқимларга қўшилиб кетишларининг олдини олишда асосий ўрин тутди, — дейди Тошкент Фармацевтика институтини маънавият ва маърифат бўлими ходими Нигора Ашурова. Бу каби тадбирлар ёшларни янада огоҳ бўлишга, гиёҳвандлик, одам савдоси, терроризм ва диний экстремизм, ОИТС каби хавфли иллатларга қарши курашишда маънавий туртки бўлади.

Тадбир сўнгида Тошкент шаҳар Ички ишлар вазирлиги томонидан суратга олинган «Қабоҳат» фильми намойиш этилди.

**Қамолитдин ҲАМДАМОВ,
ЎзМУ журналистика
факультетининг 3-босқич талабаси**

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Оила — муқаддас кўрғон. Агар ушбу кўрғон мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч, юртимизда осоишталик ҳукм суради.

«Оила» илмий амалий марказида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир оила маъқенини оширишнинг ҳуқуқий, маънавий асослари, никоҳнинг оилада тутган ўрни, қиз бола тарбиясининг энг муҳим жиҳатлари масалаларига бағишланди.

Тадбирда ота-оналар ва шифокорлар балоғат ёшидаги ўсимларни, хусусан, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда маҳалланинг, ота-онанинг ҳамда тарбиячиларнинг роли қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўзаро фикр алмашишди. Албатта, воға етаётган ёшларга тарбия беришда катталарнинг адашмаслиги, фарзандларимизнинг билимли, касб-хуна қоллежидан бўлиб улғайишларига кўпроқ имкон яратиш лозимлигини яна бир қарра эслаган ҳолда ёшларимизнинг қадриятларини, одоб илмини чуқур ўзлаштиришларига жиддий эътибор бериш муҳим эканлиги яна бир қарра эслатиб ўтилди. Айниқса, мактабда, қоллеж, лицейда ёшларни кўпроқ фан тўғаракларига жалб этиш, уларнинг бадиий китобга қизиқишларини кучайтириш зарурлиги, қизларни оила, рўзғор юмушларидан, пазандалик сирларидан тўла хабардор бўлишлари шарт эканлиги қатнашчилар томонидан алоҳида таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари бу борада Соғлом бола йилида ечимини қутаётган муаммоларни бартараф этиш режаларини белгилаб олишди.

КЕЛАЖАТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Шахримизда воға етмаганлар билан ишлаш комиссиялари вакиллари, халқ таълими муассасалари ўқитувчилари, фаол ота-оналар иштирокида уюштирилган тадбир «Ёшлар — келажатимиз пойдевори» деб номланди.

Унда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, келажатимиз эгаларининг билимли, зукко, эпчил, жисмонан бақувват, маънан етук, барқамол шахс бўлиб воға етишларини таъминлаш, уларнинг жиноятчилик ҳамда ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Техника тараққиёти ва ахборот асрида ёшлар маънавияти шаклланишига жиддий эътибор қаратиш, уларнинг интернетдан тўғри ва оқилона фойдаланишларини назорат қилиш муҳим масала эканлиги қатнашчилар томонидан яна бир қарра таъкидлаб ўтилди. Тадбирда қатнашган ота-оналар, ўқитувчилар ва воға етмаганлар билан ишлаш комиссиялари вакиллари бу борада ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга келишиб олишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Дори-дармон воситаларининг четдан юртимизга олиб кирилишида таркибида психотроп моддалар бўлган дори воситаларига алоҳида ёндашилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июлда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага киритилиши таъқиқланган ва чегараланган психотроп ҳамда наркотик воситалар рўйхати тасдиқланган.

Қонун барчага баробар

«ОҒУ»ЛИ ЖЎНАТМАЛАР

Шунингдек, ушбу қарор билан психотроп ва наркотик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва муомалага киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

Яъни, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш, транзит тарзда ўтказиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилладиган сертификат билан расмий-малар асосида амалга оширилади.

Амалда эса айрим нопоқ қимсалар томонидан қонунимизни четлаб ўтишга ҳаракат қилинаётгани кузатишмоқда.

Қорақалпоғистонлик божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда «Москва-Душанбе» поезди йўловчиларидан бири, буюролик Н.Асадованинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, ушбу аёл 29 та «Феназепам» психотроп таблеткаларини яширин равишда олиб киришга уринганлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур «Қорақалпоғистон» темир йўл чегара божхона постида Россия Федерациясидан кириб келаятган йўловчи поездларидан яна бирида хориқ фуқароси Л.Семенович томонидан 150 та «Феназепам» психотроп таблеткалари ва 30 та «Клофелин» таблеткаларининг ноқонуний равишда олиб кирилишининг олди олинди.

Маълумки, Халқаро почта Конвенциясининг 15-моддасига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян таъқиқланган. Лекин шунга қарамай сўнгги пайтларда таркибида наркотик ва психотроп мод-

далари мавжуд бўлган дори воситаларини почта жўнатмалари орасида жўнатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бошпочта» божхона пости ходимлари томонидан бу каби божхона қондабузарликларига ўз вақтида чеки қўйилмоқда.

Жумладан, Исроилдан сирдарёлик Ф.Сулаймонов ва пойтахтлик Л.Гуревичлар номига юборилган почта жўнатмалари амалдаги тартибларга зид равишда юборилгани маълум бўлди. Пойтахтлик М.Григорьев номига келган мазкур жўнатмада шунингдек, 6 турдаги 474 дона бошқа дори воситалари ҳам юборилган экан.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2013 йил мобайнида республикаимиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 127 та қонунбузарлик ҳолатларида 8,8 минг донадан ортиқ психотроп таблеткаларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда қўридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС,
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
КЎЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ
ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК
ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Юнусовод компьютер технологиялари касб-хуна қоллежи	Юнусовод тумани, Ҳасанбой мавзеси, «Испомобод» маҳалласи, Испомобод 1-тор кўчаси, 21а-уй
2.	Миробод саноат касб-хуна қоллежи	Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 1-уй
3.	Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хуна қоллежи	Ҳамза тумани, Тараққиёт 2-тор кўчаси, 1-уй
4.	Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицей	Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 101а-уй
5.	Тошкент Давлат шарқшунослик институтини қошидаги академик лицей	Олмасор тумани, Янги Олмасор кўчаси, 20-уй

Малака талаблари: Олий маълумот, таълим тизимидagi (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хуна қоллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимига шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хуна таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза.
2. Сўровнома (справка-объективка).
3. Таржимаи ҳол.
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
6. Паспорт (нусхаси).
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
9. Тавсифнома

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ёшлар камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва уни янада ривожлантириш истиқболлари мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Болалар спорти

ЁШЛАР КАМОЛОТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ЎРНИ

Президентимиз Ислам Каримов раислигида жорий йил 28 январь куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мураббий ва мутахассислар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири М.Хожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишлар навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилаётгани, бу ноёб тизим ўзбек спортининг халқаро майдонлардаги улкан ютуқларига мустахкам пойдевор бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда бир ярим мингдан зиёд болалар спорти объекти фарзандларимиз ихтиёрида. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланган, уларга қатновчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугун 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шугулланмоқда.


Ёш авлод ўртасида спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишлар самарасида Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонда катта ютуқларга эришмоқда. Спортчиларимизнинг 2013 йилги спорт мавсумида халқаро мусобақаларда 276 олтин, 250 кумуш

ва 268 бронза медалига сазовор бўлгани ўзбек йигит-қизлари истеъдод ва маҳорат бобида дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигининг яна бир амалий ифодасидир.

Бу ғалабалар бевосита болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар маҳсулидир. Уч босқичли спорт мусобақалари фарзандларимизни соғлом тарбиялаш баробарида профессионал спорт учун етук ва маҳоратли спортчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари қатор хориж давлатларида ҳам қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий спорт маҳорати мактаблари, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари фаолиятини янада жонлантириш орқали ўзбек спорти учун маҳоратли спортчилар, малакали мураббий ва мутахассислар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман иштирокчилари болалар спортини ривожлантириш бўйича педагогик, илмий-услубий қўлланмалар базасини яратиш, қизларни спортга янада кенгроқ жалб қилиш, оилаларда спортни оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва саралаш тизимини такомиллаштириш, етук спорт мутахассисларини тарбиялаш бўйича фикр алмашди.



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

ЮРТИМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 8, 10 ва 16 ёшгача шахматчилар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётди. Буни ушбу чемпионат давомида қўлаб янги истеъдодлар кашф этилганида ҳам қўриш мумкин. Айниқса, жохон ва Осиё чемпионатларида ғолиб ҳамда совриндор бўлган ўғил-қизларнинг аксарияти ушбу мусобақаларда олтин медални қўлга киритолмагани Ўзбекистонимизнинг истеъдодларга бойлигидан яна бир далилатдир.

Ўн ёшгача ўғил болалар мусобақасида пойтахтлик жохон чемпиони Нодирбек Абдусатторов тўққизта партиянинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ўтган йилги чемпионатда Нодирбекни орда қолдирган Осиё чемпиони Жавохир Синдоров бу гал ўзаро баҳсда асосий рақобатчисига ютказгандан сўнг, қолган партияларда унга етолмади. Натижада Жавохир чемпионлик унвонини топшириб, кумуш медал билан қифояланди. Учинчи ўрин бухоролик Шоҳжаҳон Сайфуллаевга насиб этди.

Шу ёшдаги қизлар ўртасида асосий совринларни пойтахтлик Юлия Хегай, самарқандлик Севинч Алимова ҳамда мезонларнинг яна бир вакили Лобар Раҳматжонова қўлга киритди.

Бу йил саккиз ёшгача шахматчилар ўртасида мамлакат чемпионати илк мартаба таш-

кил этилди. Мусобақа кашфиёти – қашқадарёлик Султон Турсунов бу ёш тоифасида биринчи чемпион сифатида эътироф этиладиган бўлди. Иқтидорли шахматчи тўққиз ўйиннинг саккизтасида зафар қўчди. Осиё чемпиони, тошкентлик Исламбек Синдоров етти ярим очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир пойтахтлик шахматчи Ақромхон Муродхон бронза медални қўлга киритди.

Саккиз ёшгача қизлар баҳсида барча совринлар Тошкент шаҳри вакиллари – Моҳинур Нейматуллаева, Фарангиз Қиличева ҳамда Амина Назаровага насиб этди.

16 ёшгача ўсмирлар ўртасида мусобақани мағлубиятсиз якунлаган хоразмлик Нодирбек Ёқубов 7,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Мезонлардан Одил Раҳмон ва Осиё чемпиони Ортиқ Нейматов кейинги ўринлардан жой олди.

Шу ёшдаги қизлар мусобақасида жохон чемпионати совриндори Баҳора Абдусатторова бронза медал билан қифояланди. Мусобақа бошидан пешқадамликни қўлга олган пойтахтлик Светлана Чайкина олтин медалга муносиб эканини исботлади. Хоразмлик Нилуфар Ёқубова эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Спорт янгиликлари

ЕТТИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Профессионал теннисчилар ассоциацияси томонидан дунёнинг энг кучли ракетка усталарининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Денис Истомин 42-ўринга лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 49-поғонада кўрсатилган ҳамюртимиз бу сафар етти поғона юқорилади.

Жорий йилда футбол мавсумида яна муваффақият қозонишни ният қилган мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» аъзолари Туркияга жўнаб кетишди.

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОРИЖДА

Саккизинчи февралга қадар хорижда Семвел Бабаев раҳбарлигида машғулот йиғинлари ўтказадиган пахтакорчилар Россиянинг бир

нечта клубларига қарши назорат-ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Асални ҳаёт шарбати дейдилар. Саховатли табиатнинг эҳсонларидан бири бўлмиш асалнинг нечоғлик ширин, татимли ва шифобахш неъмат эканлигини баён этиб интиҳосига етиш қийин.

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино асалнинг хосиятларини санаб ўтган: у мижозни тозалайди, томир йўлини равон қилади, ҳўллик ва газакни шимдирувчи қуввати бор. У ҳўлликни ва газакни баданнинг чуқур ерларидан тортади, гўштни бузилишдан сақлайди, чиркли чуқур яраларни тозалайди. Асал кўз хиралигини кет-кизади. Асални танглай билан эзиб суртиш ва гарғара қилиш бўғмадан халос этишга ёрдам беради, бодомча безларининг озорланишига қаршилик қилади. Суви меъдани кучайтиради, иштаҳага барака бериб, ҳазмини яхшилайди, аччиқтош билан муштаракликда темиртки азиятидан халос этади. Ибн Синонинг кўрсатишига қараганда, ёш навқиронликни сақлаш учун асал истеъмол қилиниши лозим. Унинг тавсиясига биноан, айниқса ёши 45 дан ошган кишилар тез-тез асалдан истеъмол қилиб туришлари керак.

Сиҳат-саломатликни яхши сақлаш учун ҳар куни наҳорда асални сув билан аралаштириб ичиш лозим. Бунда ёмғир сувидан фойдаланиш янада яхши натижа беради.

Асални сув билан ичилса, жинсий қувватни оширади, сийдик ажралишини яхшилайди, ичак ва қовуқда мавжуд бўлувчи яраларнинг тувалиши ва тозаланишига ёрдам беради. Асални сув билан ичиш чанқоқ қолдирувчи амаллардан ҳисобланади.

Асални сув билан аралаштириб оғиз бўшлиғи чайқаладиган бўлса, у томоқда мавжуд бўлувчи йирингли яраларнинг сўрилиб кетишига омил бўлади, бодомча безларининг яллиғланишидан холи қилади, оғиздаги

Табиат неъматлари

АСАЛНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

жароҳат ва яраларни, шунингдек, танглай, тил, ҳиқил-док, бодомча безлари, оғиздаги иллатларни тозалайди, милк ва тишларни мустаҳкамлайди, тишларни оқартиради. Айниқса, тишларга ой мобайнида уч-тўрт марта асал суртилидиган бўлса, натижаси яхши бўлади.

Айниқ маълумотларга қараганда, муттасил равишда оз-оздан асал истеъмол қилиб туриш юрак фаолиятини яхшилайди, одамнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, қон таркибини меъёрида ушлаб туради, гемоглобин салмоғини оширади, юрак-қон томир тонусини кўтариб туради.

Асал истеъмол қилиб туриладиган бўлса, одам организмнинг иммунобиологик реактивлиги (яъни бир

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида бир гуруҳ ёш фотографларнинг турли-туман ҳаёт лавҳаларидан ташкил топган «Ягона муҳит» деб номланган фотокўргазмаси очилди.

МУЛОҲАЗАЛАРГА ЧОРЛОВЧИ ФОТОЛАВҲАЛАР

Фотокўргазмада ёшларнинг ҳаётдаги оддий воқеа-ҳодисаларга бўлган шахсий қарашлари кўчаларимиз, турмушнинг айрим қирраларида ўз аксини топиб, йиғилган кичик муаллифлик этюд-ларига, одатларига янгича қарашга, мулоҳазаларга чорлайди.

Экспозициядан «Менинг бобом. Чирчиқ», «Навойига бориш йўлларида», «Кўпқари», «Орол ўйинчоқлари. Қорақалпоғистон. Орол», «Наврўз. Март», «Менинг кўчаларим» каби фотолавҳалар ўрин олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

қатор хасталикларга нисбатан бардошлиги) ортади. Асал ташқи муложа сифатида кўз яллиғланиши ва ок тушишига хотима беради. Асал шарбати бурунга томизилса (тортилса), сурункали тумовдан фориг бўлиш мумкин.

Маълумотларга қараганда, 1-2 ой мобайнида суткасига ўртача 70 граммдан асл асал истеъмол қилиб туриладиган бўлса, унда оғир юрак хасталикларига даво бўлиб, ахволни бирмунча яхшилайди, қон таркибини меъёрлайди, гемоглобин микдорининг ошишига мойиллик яратади, шунингдек, юрак-қон томир тизимлари тонусининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Асл асал бинойидек уйку бағишловчи беозор неъмат ҳисобланади. Бир ош қошиқ асл асални бир стакан илқ сувда эритиб, уйку олдида ичиладиган бўлса, унда тинимли, чуқур уйку юзага келади.

Асал гўдак болалар учун ўта тўйимли неъмат ҳисобланади, айниқса она сути камлигида фойдали эканлиги билан ажралиб туради.

Асал хомсемизликда озиш учун мойиллик яратувчи неъмат сифатида қадрланади. Манбаларда қайд этилишича, озиш мақсадида қувватсиз (калориясиз) таомлар билан парhez тutilгaнда одамга тўйганлик ҳиссини берувчи асалдан фойдаланиш мумкин. Немис парhezчи шифокорлари кишини оздириш мақсадида озроқ микдорда ёғсиз гўшт, пиш-лоқ, сабзавот ва мевалар берилиши билан бирга кун-луга 300-400 г асални мевалар ёхуд сув билан истеъмол қилишни тавсия этадилар. Бундай амал одамни фақат оздирибгина қолмасдан, балки жигар фаолиятини яхшилайди, танадаги ортиқча моддалардан қутулишга ёрдам беради.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Асоссиз фикр шубҳа туғдиради.

Ҳақиқатнинг излари йўқолиб кетмайди

Киши тушунмаган нарсанини қабул қилиши қийин.

Бошидан ўтган табиб.

Ўзидан ортмагандан гина беҳуда.

Чорасизлик инсонни эзади.

Андишасиз кимсадан ҳамма нарсани кутса бўлади.

Ёш орзу билан, кекса хотираси билан.

Аҳмоқ қартайса ҳам ақли кирмайди.

Юракни кўркув емиради.

Ақл фаросат билан бирга бўлмаса бекор.

Сенга берилган умрни қандай яшаш ўз ихтиёрингда.

Эртадан умиди йўққа буғунги кун ҳам татимайди.

Аслида ёмонликни унутиб, яхшиликни эслаб юриш керак. Биз эса, баъзида яхшиликни унутамизу ёмонликни кўнгилга тугамиз.



тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 6-8 даража совуқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 6 февраль кунги ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрта-лаб туман тушиши мумкин. Шарқдан Фарба томон йўналишини ўзгартирган шамол секундида 7-12 метр бўлади.

мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қоллишига имконият яратди, тағкидорли наст бўлади.



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 256

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13075 нускада босилди.
Қўроғ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40